

Юрт таракқийети йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2022 йил
10 февраль
ПАЙШАНБА
№ 18
(4614)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ҳақ йўлида ким санга
бир ҳарф ўқутмиш
ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз
ганж ила.
Алишер Навоий

Андижон
вилояти



Кун нафаси

«Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

Жорий йил 24-26 март кунлари Тошкент шаҳрида илк марта Табиқат ресурслари ва инвестиция форуми бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз бўйлаб улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги кенг нишонланди.



2022 йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Энергетика вазирлиги Алишер Султонов Тошкент шаҳрида «Фолксваген Груп Рус» МЧЖ бош директори Штефан Межа бошчилигида делегация аъзолари билан музокаралар ўтказди.

Марказий банк миллий валютаси бўйича танлов эълон қилди.

Жорий йилнинг 5-7 февраль кунлари 654/653-сонли йўловчи поездлар «Кўнғирот – Наманган – Андижон – Кўнғирот» йўналишида биринчи рейсни амалга оширди. Бундай узок масофага ҳаракатланадиган поездлар қатнови мамлакатда илк бора йўлга қўйилди.

Бирлашган Араб Амирликларида таэквондо бўйича анъанавий «Ғујауга Ореп» халқаро мусобақасида зафар кучган таэквондочиларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 11 нафар спортчи билан 8 та вазн тоифасида иштирок этди. Эътиборлиси, 7 нафар таэквондочимиз совриндор бўлишди.



«Эр йигит эл юкини кўтаради» дейишади. Пайариқлик тadbиркор Дилшод Муҳаммадиев ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири.

Яқинда тadbиркорнинг ташаббуси билан 12 нафар меҳнат фахрийси бепул дам олди. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидоги «Хўжайпон» сыхатгоҳида саломатлигимизни мустаҳкамлаб қайтдик. Сурхондарёнинг ғўзал масканларини томоша қилдик.

...Кексалик ҳам болаликдек бир гап. Сыхатгоҳга етиб боргунча, олис манзил, чарчоқлардан нолиганлар ҳам бўлди. Аммо дам олишнинг илк лаҳзалариданоқ кўнгидаги ғуборлар тарқаб кетди.

Биз яна бир бор, қасаба уюшмаларининг юртимиз фуқаролари учун яратиб берган шароитларига таҳсинлар айтдик. Нафақат танимиз, балки руҳимиз ҳам енгил тортиди.

Ширинсуҳан сыхатгоҳ жамоасига минг тасанно. Инсоннинг қадр-қимматини юксакларга кўтараётган жамоат ташкилоти, элим деб, юртим деб яшаётган тadbиркордан беҳад миннатдоримиз.

Муртоза ЯҲЁЕВ,
Пайариқ туманидаги «Фидокор» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси

Кун сурати

ҚАДДИНГИЗНИ КЎТАРИНГ, УСТОЗ!

Шу кунларда Марҳамат туманидаги мактаблардан бирида ўқитувчилар ўқув муассасасида таълим сифати қоншиқаревлиги, ўқувчиларнинг олий ўқув кўрсаткичи кириши кўрсаткичи паслиги важи билан ота-оналар олдида тик туриб, улар сўрагани қизгин муҳомадаларга сабаб бўлди. Кенг жамоатчилик мажлис ҳолатида Андижон вилояти ҳокимлигидан жўяли жавоб кутмоқда...

Самарқанд
вилояти

Нуқтаи назар

Тиббий кўриққа ким масъул?

Самарқанд вилоятидаги қасаба уюшма аъзолигини қабул қилган 3364 та корхонада 425816 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатади. Афсуски, улардан 540 нафари иш вақтида жароҳатланган.

Бу кўнгилсиз ҳолатлар ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ўта муҳим масала эканини яна ва яна кун тартибига олиб чиқади. «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси имзолангач, вақти-вақти билан ходимни чиқимдор қилмаган ҳолда тиббий кўриқ ташкил этилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бироқ... Қасаба уюшмалари

нинг мурожаат ва талабларига қарамай, ҳали-ҳануз 900 дан зиёд ташкилотда бепул тиббий кўриқни ташкил этишда лоқайдликка дуч келинмоқда. Қолаверса, айни пайтда жамоат ташкилоти аъзолигини қабул қилмаган юзлаб ташкилотлар бор. Улар таркибида бир неча юз минглаб кишилар меҳнат қилаётир. Бизни эса бир қатор саволлар ўйлантирмоқда: бу ташкилотларда ходимларнинг саломатлиги кимнинг муҳофазасида? Меҳнат қонунчилиги талабларини ким назорат қилади ва бу жабҳада кузатилаётган бўшлиқ қачон тўлдирилади?

Усмон ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори



ҚАРШИНГИЗДА «АЛЬФА» АВЛОД

Улар билан қандай мурося қилмоқ керак?



Сурхондарё
вилояти

Қасаба уюшмаси аралашгач...

ҚОРОВУЛ ўз жойида...

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига Ангор туманидаги «Каттақум» маҳалласида яшовчи Ғайрат Темиров ишга тиклаш масаласида арз қилди.

Урганишлардан маълум бўлдики, Ғайрат Темиров 2021 йил январь ойида Ангор туманидаги 8-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига қоровул вазифасига ишга қабул қилинган. 2021 йил 23 декабрда, узрли сабабларсиз иш вақтида хизмат вазифасида бўлмагани рўқач қилиниб, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми

4-бандига асосан бекор қилинган.

Аммо иш берувчи бу жараёнда бир қатор хатоликларга йўл қўйган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 102-моддаси талаблари бузилган. Шу билан бирга, мазкур Кодекс талабларига қўра, интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим эди. Меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин бошланғич қасаба уюшма кўмитасига тақдимнома киритмаган, ходимнинг иштироки таъминланиб, кўмита ййгилиши ўтказилмаган.

Меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан иш берувчига мазкур қонунбузилиш хо-

латла-
ри ни
бар тараф
этиш юзасидан
кўрсатма берилди.
Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг 2022 йил 14 январдаги 65-сонли буйруғи билан 2021 йил 23 декабрдаги 61-сонли буйруқ бекор қилиниб, Ғайрат Темиров яна ўз вазифасига ишга тикланди. Унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори





Самарқанд вилояти

Сўнги вақтларда Ургут тумани ҳар томонлама ривожланмоқда. Лекин бу ҳудудда муаммолар йўқ дегани эмас. Айниқса, чекка ва олис қишлоқлар аҳлини қийнаётган масалалар кўп. Аҳолининг муайян қисмини, чўнончи, уйда ўтириб қолган аёлларни ишсизлик муаммоси жиддий ташвишга солиб келаётган эди. Айни шу жараёнда кооперация усулининг жорий этилаётгани аниқ муддао бўлмоқда.

КООПЕРАЦИЯ ҚИШЛОҚҚА ФАЙЗ КИРИТМОҚДА

«Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида кооперация тармоқларини ташкил этиш жамоатчилик назоратига олинган, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ургут тумани кенгаши раиси Ғайрат Жамолов. – Туман мутасаддилари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари томонидан таклиф этилган лойиҳалар асосида 13 та тадбиркорлик субъекти ташаббус қилиниб, 1182 нафар ишсиз аёлни иш билан таъминлаш ҳаракати бошлаб юборилди. Ушбу жараён касба уюшмалари томонидан таҳлил этиб борилмоқда. Бунда ҳудудлардаги имкониятга, аҳолининг талаб ва истакларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Илк натижаларига кўра, кооперация қишлоқ шароитига ҳам мос усул экани аён бўлмоқда. Масалан, тумanning «Янгиобод» маҳалласида яшовчи аёлларнинг аксарияти бичиш-тикиш ишларининг моҳир устаси саналади. Шу хунар орқали тирикчилигини ўтказаятганлар ҳам талайгина. Аммо ҳозирга қадар уларнинг бошини қоқуштириб, бир мақсад йўлида бирлаштирадиганлар топилмасди.

Маҳалладаги 795 та хонадонни ўрганиш жараёнида 62 нафар аёл ишсиз экани аниқланди. Мулоқотлар жараёнида бу ҳудудда миллий либослар, тўн ва чопонлар тикишни йўлга қўйиб, яхши натижаларга эришиш мумкин, деган хулосага келинди.

Айни кезларда 700 миллион сўмлик банк кредити, 118 миллион сўмлик субсидия ва тадбиркорнинг 140 миллион сўмлик маблағи эвазига фаолият юрита бошлаган «Меҳригул текстиль 777» корхонаси ҳудудда кооперация усулида ташкил этилган илк тадбиркорлик субъекти бўлди. Халқ банкининг Ургут филиали ажратган 220 миллион сўм эвазига 25 киши тўн тикиш ишларини бошлаб юборди. Жамоада турли хил ана шундай миллий либослар тайёрланади. Корхона жами 128 нафар хотин-қизни қамраб олади.

Ургут тумани маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази мутасаддиси Б.Жумановнинг айтишича, «Меҳригул текстиль 777» корхонасида ишловчиларнинг ўртача ойлик маошлари 2 миллион 400 минг сўмни ташкил этмоқда. Маҳсулотни бозорга чиқариш, хомашё топиш ва дастоҳларни келтириш масалалари билан тадбиркорнинг ўзи шуғулланмоқда.

Кооператив корхоналар ҳудудларнинг ўзига хос анъаналари, муайян соҳада орттирган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда танланган. Масалан, «Мўминобод» ва «Чеп» маҳаллаларида қуруқ мева, майиз ва узум, «Теракли» маҳалласида бодом ва шифобахш гиёҳлар етиштириш ривожлантирилади, «Бекравот» маҳалласида эса иссиқхоналар қурилади.

– Биз ҳар бир хонадоннинг кундалик турмушида асқатадиган кўрпа-ёстиқлар тайёрлашни йўлга қўямиз, – дейди «Боғишамол» маҳалласидаги «Нигора



Хоразм вилояти



Бошланғич ташкилотларда

АЙНИ КЕЗЛАРДА 700 МИЛЛИОН СЎМЛИК БАНК КРЕДИТИ, 118 МИЛЛИОН СЎМЛИК СУБСИДИЯ ВА ТАДБИРКОРНИНГ 140 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАБЛАҒИ ЭВАЗИГА ФАОЛИЯТ ЮРИТА БОШЛАГАН «МЕҲРИГУЛ ТЕКСТИЛЬ 777» КОРХОНАСИ ҲУДУДА КООПЕРАЦИЯ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИЛК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ БЎЛДИ.

нурли келажаги» корхонаси раҳбари Шамси Алиев. – Шу жараёнда ҳудудда яшовчи хотин-қизлардан 90 нафарини иш билан таъминлаймиз. Уларга тикув машинаси, матолар, игна-ипгача – ҳамма зарур нарсаларни етказиб бериб, ойга ўртача 2,5 миллион сўмгача маош тўлаймиз. Иш қўлами, миқдори ва сифатига қараб, тўланадиган ҳақ миқдорини ошириб бораемиз. Табиийки, бундай шарт-шароитлар, имконият ва рағбатлар захматкаш қишлоқ аёлларининг янги тузилмага бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Сирасини айтганда, Президентимизнинг тадбиркорликни кооперация усулида йўлга қўйиш борасидаги ташаббуси кўпчиликнинг мушулини осонлаштириб, рўзгорига кўн-баракка кирита бошлади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

«Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамияти жамоасининг бош мақсади – аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бериш. Шунинг учун ҳам корхонада мўдум иш қизғин.

Қарий йрим асрдан буён фаолият юритиб келаётган корхонанинг ўзига хос анъаналари бор. Жумладан, бу даргоҳда аввал ишлаган кишиларнинг фарзандлари, неваралари бугун аждодлари касбини давом эттириб, ишчилар сулоласини шакллантиришмоқда.

БИР ОИЛА КАБИ АҲИЛ-ИНОҚ

Яна бир анъана шуки, корхона касба уюшмаси ходимларни доимо қўллаб-қувватлаб келади.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни мураккаб. Шу боис жамоа меҳнат муҳофазаси қондаларига қатъий риоя қилади, ўз вазифаларига масъулият билан ёндашади. Иш берувчи эса Меҳнат битимида белгиланган барча шартларни тўла-тўқис бажаришга ҳаракат қилади. Ходимлар махсус қийим-бош билан таъминланган. Меҳнат, санитария-гигиена шароитлари яратилган. Ҳар смнада ошхонада иссиқ овқат тайёрланади. Малакали ҳамшира ходимлар соғлиғини тез-тез назорат қилиб туради. Шу боис муаммоли вазиятлар кўп кузатилмайди.

Касаба уюшмаси эса барча аъзоларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриб келяпти. Айтайлик, ўтган йили турли саналар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш учун 18 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Ногиронлиги бўлган ходимларга совға-саломлар тарқатилди. Оила-

сидаги айрим вазиятлар, саломатлигидаги муаммолар туфайли кўмак сўраган аъзоларга моддий ёрдам кўрсатилди. Фаол ишчи-хизматчилар 12 миллион сўмга яқин маблағ билан рағбатлантирилди. Ходимлар соғлиғини санаторийларда мустаҳкамлашлари учун 22 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Иш берувчи томонидан ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун ажратилаётган маблағлар булардан анча кўпроқ. Жумладан, оиласи эҳтиёжманд ходимларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш анъанага айланган. Илгор ишчилар мунтазам равишда рағбатлантириб борилади. Пенсия ёшига етганлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Тўй қилаётганларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан ёрдам кўрсатилади. 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётганларга бола пуллари ўз вақтида тўланади.

Барча ишчи-хизматчиларга ҳар ойда озиқ-овқат учун энг кам иш ҳақининг бир ярим баробари миқдоридан маблағ берилади. Узоқдан қатновчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади. Иссиқхонамизда етиштирилган сабзавоту

кўкатлар ишчиларга арзон нархларда сотилади. Заводимиз қошидаги фермер хўжалигида етиштирилган сут маҳсулотларидан ҳам, аввало, ходимларимиз баҳраманд бўлади. Зарарли шароитларда ишловчилар учун эса алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Ўтган йили жамоамиз билан бирга илк бор касба уюшмалари кунини тантанали нишонладик. Тадбирга меҳнат фахрийларини ҳам таклиф қилдик. Спорт мусобақаси уюштирдик. Иш берувчи билан ҳамкорликда юздан зиёд ходимга қимматбаҳо совғалар улашдик.

Энг муҳими, 700 нафардан зиёд ходим фаолият кўрсатадиган жамоа бир оила аъзолари каби аҳил-иноқ. Барча бир-бирини қўллаб-қувватлаб ишлайди. Ҳар бир ходимнинг жамоамизда ва жамиятда ўз ўрни бор.

Касаба уюшма кўмитаси бундан кейин ҳам ишчи-хизматчиларни ўз ваколати доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттиради.

Гулюй БЕКМУРОДОВА,
«Урганч ёғ-мой»
акциядорлик жамияти
касаба уюшма кўмитаси
раиси

Навоий вилояти

Фаолият

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашида «Меҳнат муҳофазаси ва ходимлар хавфсизлиги» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ КИМНИНГ ИШИ?

Унда корхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлашда касба уюшмалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, уларнинг ижроси, тизим фаолияти ва меҳнат интизомларига, хавфсизлик қондаларига риоя қилиш юзасидан Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шакарбой Эшматов атрофича фикр билдирди.

Очик мулоқот тарзида уюштирилган семинарда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходими Ҳамза Эшонқулов меҳнат муҳофазаси ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир корхона ва ташкилотда фаолият кўрсатаётган касба уюшмалари тизими мутасаддиларининг асосий мақсадларидан бири эканига алоҳида урғу қаратди.

Шунингдек, тадбир давомида қатнашчилар хавфсизлик борасида жойларда учраётган баъзи бир муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирди.

Амалий семинар сўнггида бундан буён ушбу масалада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, ўтказилиши зарур бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва барча масъулларга етказилди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Жарқўрғон туманидаги 200 минг нафарга яқин аҳолининг саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган 2715 нафар тиббиёт ходимининг ҳаётида ўзгаришлар бор.

Бунинг учун етарли шароитлар ҳам яратилган, албатта. Хусусан, туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидоги марказий шифохона, туғуруқхона комплекси, кўп тармоқли катталар ва болалар, қишлоқ оилавий поликлиникалари, юқумли касалликлар шифоналари қайта реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган.

– Амалдаги Жамоа шартномасига мувофиқ, соҳа ходимлари 44 та ижтимоий ҳимоя турларидан баҳраманд бўлишмоқда, – дейди Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлаш-

маси касба уюшма кўмитаси раиси Бибинор Ҳамроева. – Жумладан, ҳар ойнинг 3-4 иш кунлари иш ҳақи, қўшимча тўловлар, мукофот пуллари тўлиқ тўлаб берилиши йўлга қўйилган. Байрамлар муносабати билан турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирилиб, гоилилар муносиб рағбатлантирилади.

Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан меҳнат фахрийлари ҳолидан доимий хабар олиб турилади. Хусусан, Турсуной Шоймардонова, Ҳафиза Раимжоннова, Фароғат Ҳамроева, Ҳамида Турдимуродова, Янгибой Қодиров, Асад Эшназаров каби фахрий шифокор ва ҳамширалар, шунингдек, бетоб бўлиб қолган ҳамкасбларга беминнат моддий кўмак бериб келинапти.

Туман тиббиёт бирлашмасининг 30 нафар-

дан зиёд ходими «Зомин», «Термиз марвариди», «Бўстон», «Чинобод» ҳамда 14 нафари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан «Хўжаипок», «Турон» каби сихатгоҳларда соғлиғини қайта тиклади. Соҳа ходимларининг 37 нафар фарзанди Олтинсой туманидаги «Мироб» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олди.

Тиббиёт ходимлари ўртасида «Спортни сев, спорт билан яша» шиори остида ўтказилган спорт мусобақалари тобора оммавийлашмоқда.

Ҳаёт тасдиғидан ўтган ҳақиқат шуки, инсон манфаати устувор бўлган жойда ишлар ҳам бароридан келаверади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Ҳаёт тасдиғидан ўтган ҳақиқат





Наманган вилояти

Майли-да, ҳаммага келган дард экан: бошим «оғирлашиб», томоғим бўғилиб, сўяларим «симиллаш»ни бошлаганидан билдимки, аниқ ҳаманинг тилидан тушмаётган касалга «ошно» бўлганман...

Касаллик варақасини олгунча...

дан қандай фойдаланиш кераклигини нари-бери тушунтирган киши бўлди-ю, остонадан қайтиб кетди.

Ҳазил ўз йўлига, аммо бир ҳафта-ўн кун ичида ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Ташбақа тезлигида келиб, яшин тезлигида қайтиб кетган ҳамширанинг махсус кутисидоги дориларни кўздан кечириб эканман, қоғозга ёзилган дорилар рўйхати билан кутичадаги дорилар номи бир-бирига умуман мос келмас, денг. Яхшиям ҳар бир сўровимга билса-билмас «без отказ» жавоб бериб турадиган «Гул» дугоним бор! Кўлимдаги дорилардан бир-иккитасини қандай қабул қилиш кераклигини ўша беминнат «ўргатиб» қўйди. Қолганларини эса, таввақал қилиб бирин-кетин ичавердим.

Ният ва ихлос билан ичган дориларим шарофати билан танамдаги вирусдан қутулдим. Дарддан фориг бўлдим, деб сал эрта-роқ хурсанд бўлиб қўйибман, чамаси. «Касал»ликнинг зўри ҳали олдинда экан!

Ҳақиқатан касал бўлганимни исботловчи «касаллик варақаси»ни олиш учун ҳамшира билан етакла-



шиб, врачни қидириб одамлар тўла коридорнинг у бошидан бу бошига бориб келавериб, биринчи қаватдан иккинчи қаватга, иккинчи қаватдан учинчи қаватга чиқиб-тушавериб, соб бўлганим рост.

Касаллик варақаси бетоб бўлган кунимдан очиб қўйилган бўлса-да, ёпилишига келганда негадир «депсиниб» қолганига ҳайрон бўлдим. Барака топгур ҳамширанинг айтишича, «бизнинг ҳудудга қарайдиган врач йўқ эмиш», шунинг учун қайсидир врачга айтиб, «ёптириб» берармиш. «Очиб қўйгани ёпиб берса бўлмай-дими?», дедим хунобим чиқиб. «Сиз кетаверинг, ўзим «ёптириб», тайёр бўлгач, кўнғироқ қиламан», деди у.

Шунга ҳам икки кун бўлди. Кўнғироқ қилмаганига қараганда, бечора ёзув-чизувдан бўшолмаётган кўри-нади. Наманган шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ўз номи билан – Марказийда! «Келди-кетди» кўп. Шунинг учун ўша ерда ишловчи ҳамширани ҳам тушунишга ҳаракат қиларман.

Аммо касаллик варақасини очиб қўйган врачга тезроқ инсоф берсин, бўлмаса, касаллик варақасини қўлга олгунимча яна касал бўлиб қолмасам эди...

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Касаллик варақаси бетоб бўлган кунимдан очиб қўйилган бўлса-да, ёпилишига келганда негадир «депсиниб» қолганига ҳайрон бўлдим. Барака топгур ҳамширанинг айтишича, «бизнинг ҳудудга қарайдиган врач йўқ эмиш», шунинг учун қайсидир врачга айтиб, «ёптириб» берармиш. «Очиб қўйгани ёпиб берса бўлмай-дими?», дедим хунобим чиқиб. «Сиз кетаверинг, ўзим «ёптириб», тайёр бўлгач, кўнғироқ қиламан», деди у.

Барака топгур шифокорларнинг бир марталик тиббий қўлқопга «социлик» билан 50-60 нафар одамнинг томоқ-бурнига пахтали чўп тиқиб олишдек шубҳали таҳлил жаранидан ўтгач, вирус танамга ўрнашганини билдим.

«Одам ҳаётга бир марта келади, кўпчилик бу дарднинг «нашъу намоси»ни тотиб кўраётганида мен бир чеккада қолар-мидим, етказганига шукр», дея ишхона м д а н «больничной!» деган қатъий топшириқ бўлгач, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олдим.

Ноҳус хабар тез тарқалар экан. Худудидан бемор чиққани ҳақидаги маълумотни олган поликлиника ҳамшираси орадан бор-йўғи икки кун ўтиб уйимга келиб, вирус билан оғриганлар учун дорилар тўла махсус кутини қўлимга тутқазиб, ун-

ҲАЗИЛ ўз йўлига, АММО БИР ҲАФТА-ўн кун ичида ўзимдан ўтганини ўзим биламан. «Ташбақа тезлиги»да келиб, яшин тезлигида қайтиб кетган ҳамширанинг махсус кутисидоги дориларни кўздан кечириб эканман, қоғозга ёзилган дорилар рўйхати билан кутичадаги дорилар номи бир-бирига умуман мос келмас, денг.

Кейинги асрда мутахассислар 6 та фарқли авлоднинг таҳлил қилишган. Улар «**Овозсиз» авлод** (1925-1945), «**Болажон» авлод** (1946-1964), «**Х» авлод** (1964-1979), «**У» авлод** (1980-1995), «**З» авлод** (1996-2010) ва «**Альфа» авлод** (2010-2025 йиллар).

Санаб ўтилган беш авлоднинг энг камида 3 таси ҳақида бугун бутун дунё маълумотга эга. Улар руҳий, молявий, технология асосларга биноан тавсифланган. Масалан, бир авлод иккинчидан техникаларни тушуна олиши билан, бошқаси эса молявий эркинликка тез эриша олиши билан фарқланади.

Олимларнинг умумий ҳисоб-китобига кўра, ҳар 15 йилда янги авлод пайдо бўлади. Лекин, бугунги кунда ушбу муддат тобора камайиб бормоқда.

Бизни ташвишга солаётган асосий авлод – «Альфа»-дир. Чунки яқин келажак уларнинг қўлида.

Ҳозир 10 ёшни қаршилаган бола маҳалла чанги-тиб, тўп ўйнаб юргани йўқ. Ёки мактабдан ўртоқлари билан ёқлашиб қайтма-япти. У энди сиз яшаган болаликда улғаймапти.

Бугун бешикда йиғлаётган фарзандингиз ёки набирангизнинг қўлига телефон берсангиз, дарров жим бўлади. Ҳатто бу оддий ҳолга айланди. Чунки «Альфа» авлоднинг бошқалардан фарқи тарофи – технологиялар ичида туғилганидир.

Ҳозир 10 ёшгача бўлган фарзандингизни бир шاپалоқ уриб тарбия қила олмайсиз. Унинг тилини тушунишни истасангиз – замонавий технологияларни ўрганишга мажбурсиз. Сизнинг хасталаниб қолишингиз у учун катта муаммо эмасдир, лекин қўлидаги гаджетнинг қуввати тугаётганини кўриш анча ташвишли ҳисобланади.

«Альфа» авлод техникалар умонида бемалол сузиш билан чекланмайди, балки, у янги технологияларни ихтиро қилишга ҳам қодир. Янги авлод, биринчи навбатда, таълим тизимини ўзгартиришга яратди. Улар энди доскаларга бўр билан ёзилган ҳарфларни эмас, планшет экранда жонланган видео дарсларни кўришни истифода.

Дунёнинг пандемия таъсирини тушиб қолиши ҳам «Альфа» авлоднинг рағбатлангирди. Онлайн дарслар нафақат масофавий машғулотларни кенгайтди, балки «Альфа» авлод камолотини тездашди.

«Альфа» авлоднинг бугун эртақ айтиб, панд-насиҳат айтиб, шاپалоқ уриб, бурчакка турғазиб қўйиб тарбиялай олмайсиз. Чунки у виртуал оламда тарбия ва таълим олмақда. Хўш, шундай экан, нима қилмоқ керак? Биринчи навбатда, янги авлод учун тарбиянинг янги шакллари лозим. Уларни тарбиялашнинг асоси – технологиялардан умумли фойдаланишни ўргатишдир. Бунинг

учун, аввало, ўзингиз ушбу технологияларни ўзлаштиришга киришинг. Фарзандингизнинг соатлаб компьютер қаршида ўтиришига рухсат беринг. Фақат кимлар билан алоқада бўлаётгани ва қайси сайтлардан фойдаланаётганига эътибор қаратинг. Бунинг учун эса ўзингиз шундай маълумотларга эга бўлишингиз лозим.

«Z» авлоднинг ярми ва «Альфа» авлоднинг барчаси «Facebook» ҳамда «odnoklasniki»

бувингиз орасидаги 30-35 йил кўп нарсани ўзгартирган.

Дейлик, жамоангизда 25 ёшни қаршилаган, «Z» авлодга мансуб бир ходим бор. Унинг энг катта муаммоси ишга кечикиб келиши, мотивациясининг тез пасайиши ва рағбатлангиршига қарамасдан соҳасига совуқ муносабатда бўлишидир. Сиз уни ўзингиздаги бор билим ва тажриба билан тарбия қила олмайсиз. Агар сиз 20 йил олдинги амалиётни бугун ҳам иш беришига ишонсангиз, адашасиз.

Замонавий раҳбар «Z» авлод вакиллари

Мулоҳаза

ЎЗ ИШИНING УСТАСИ СИФАТИДА ҚАРАШ

«Z» авлод руҳияти тез тушадиган ва буйруқларни ёқтирмайдиган қатлам. Уларга ходим сифатида муносабатда бўлиш қорхонангиз истиқболи учун катта фожедир. Бундан кейинги ўринларда сиз ходимингизга ўз ишининг устаси сифатида қарашга ва уни ҳам жамоанинг ажралмас бўлаги эканига ишонтиришга мажбурсиз.

ЭСКИ ТАКТИКАЛАР МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРМАЙДИ

Сизнинг 20 йил аввал олган билим ва орттирган тажрибангиз «Z» авлод учун аҳамиятсиз. Афсуски, буни тан олиш керак. Энди ҳар куни ўқиб-ўрганишга мажбурсиз. Аввал билганларим умрим бўйи етарлидир, деган фикрдан узоқлашинг.

ЗАМОН РУҲИНИ ИНКОР ЭТМАНГ!

Мен «Z» авлоднинг вакили сифатида бобом ёки бувимнинг «биз ундай эдик, биз бундай эдик», деган гапларини ва раҳбаримнинг «ёшлигимизда, шундай ишлар қилгандик, замони курсин, шу ҳам замонми, ёшлар роса бузилиб кетди», деган гапларини кўтара олмаман. Чунки улар менинг даврим руҳиятини инкор этишмоқда.

Сиз ҳам бир раҳбар сифатида қўл остингиздаги «Z»нинг замонасини инкор этманг.

МУЛЬТИУНИВЕРСАЛ ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЎРГАНИНГ

«Z» авлод маълум бир касбни эгаллаган тақдирда ҳам жуда кам ҳолларда ўз соҳаси бўйича ишлайди. Базилари умуман ишлайди ҳам. Масалан, ҳисобчингизнинг асл касби адабиётшунос бўлиши янги авлод учун одатий ҳолдир.

РАҒБАТЛАНТИРИШ ЁКИ ТАНБЕХ БЕРИШ ЭСКИРДИ!

Топшириқни хато бажаргани учун танбех бериш ёки урғанини учун уни рағбатлантириш эскирди. Бу – «Z» авлод учун етарли эмас. Сиз бундай вазиятда руҳиятингизни у билан бўлишига мажбурсиз. Масалан, у бирор яхши натижа кўрсатганида севинганингиз ҳамда ичингиздан нималар ўтаётганини айтишингиз лозим.

«Z» авлод билан бир уйда яшаётган ёки ишлаётган бўлсангиз – юқоридаги тавсияларга «кўз ташлаб» қўйишингиз керак. Чунки улар бутун дунё учун ташвишга айланаётган «Альфа» авлоднинг тушунишингизга ёрдам берадиган кўприқдир.

Исфандиёр БУРГУТБОЕВ,
Туркиянинг Анадолу университети журналистика факультети магистранти

ҚАРШИНГИЗДА «АЛЬФА» АВЛОД

Улар билан қандай мурося қилмоқ керак?



каби сайтларга парво ҳам қилмаётган бир пайтда, сиз вақтингизни ана шу ерда ўтказиб юборишингиз ўзингиз учун қилган катта адолатсизликдир. Чунки уйингизда ижтимоий тармоқларни тоифалайдиган ва уларнинг кўпини инқирозга учратадиган бола улғайапти.

«Альфа» авлодга истисно тарикасида қараш, уларнинг ўзгаришига умид қилиш хато. Ҳиндистонлик олим Амрит Кумар Жанинг сўзларига кўра, 2010 йилдан кейинги даврда туғилган болаларни тарбиялаш учун оиланинг барча аъзолари ҳаракат қилиши ва технологияларни ўрганиши лозим.

Бувингизнинг телефонда гаплашиб бўлгач, унга узоқ термулиб, «қизил тугмачани» қидираётган ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Сизнинг бу вазиятни тушунишингиз табиий ҳол. Лекин 8 ёшни қаршилаган ўғлингиз ҳамда

билан муносабатларда эътибор қаратиши зарур бўлган энг муҳим жиҳати шуки, у ҳар куни янги нарсаларни ўрганиши ва кун якунида «Бугун ўрганганларимнинг қайсилари эртага эскиради», деган саволни бериши керак. Чунки бизнинг «Z» авлод билан алоқаларимиз қанчалик камайса, «Альфа» авлоднинг шунчалик тез кўлдан бой берамиш. Унутмаслигимиз лозимки, «Z» авлод – «У» авлод ва «Альфа» авлод ўртасидаги асосий кўприк.

Дейлик, сиз раҳбарсиз ва қорхонангизнинг узоқ муддат фаолият юритишини истасиз. Истиқболдаги беш йилликда сафингизга қўшилаётган «Альфа» авлод билан ҳам тил топиши ниятасиз. Унда «Z» авлод билан муносабатларни яхшилашингиз керак. Дунё олимлари бунинг учун бир қатор мисолларни келтирган. Келинг, уларни бирга-бирга кўриб чиқамиз.



Сабоқ

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Бир одам дарёдан каттагина балиқ тутиб, хурсанд бўлиб келаятса, йўлидан безори чиқиб, қўлидаги балиқни куч ишлатиб тортиб олибди. У балиқни сотиб, оиласи учун рўзгор қилишини, болаларининг очлигини айтиб, қайтариб беришини сўраб ялинса-да, ҳалиги зўравон шафқат кўрсатмабди.

Бунинг қарангки, бир вақт йўлтўсарнинг қўлидаги балиқ типирчилаб, тўрдан пастга тушиб кетибди. Жон ҳолатда тутишга бўлган уриниш эса унга қимматга тушибди. Балиқнинг бош бармоғига шикаст етказибди.

Уйига келиб, балиқдўрлик қилгач, қўлидаги оғриқни сеза бошлабди. Шу тахлит уч-тўрт кун ўтибди. Охири азобга чидай олмай, табиб хузурига борибди.

Табиб жароҳати жиддийлигини, агар бармоқни кесиб ташламаса, касаллик бутун қўлга ўтишини айтибди. Сўнг қўлини тирсагига, нафи сезилмагач, елкасига кесиб ташлабди. Бироқ барибир оғриқ тўхтамабди.

Иштиробда қолган йўлтўсар донишманд хузурига борибди ва бўлган воқеани айтиб берибди. Донишманд дебди:

– Сен эдилки билан ўша фарзандлари учун егулик қўлга кетаётган инсонни топ. Дардинг унинг норизолиги туфайли. Уни рози қилмасанг, дардингга даво топилмаслиги турган гап...

Зўравон донишманднинг маслаҳатига амал қилиб, жабрдийдани топибди ва унинг оёқларига йиқилибди. Узр сўраб, бўлган воқеани айтиб берибди. Оғриқдан азоб чекаётган нобакорга раҳми келган инсон уни кечирибди.

Шунда йўлтўсар сўрабди: – Сендан балиқни тортиб олган куним Аллоҳга нима деб нола қилган эдинг?

– Юз берган мушкулот ечимини Аллоҳга топширгандим. Аммо ўша кун егулик кутиб ўтирган оилам бағрига қуруқ қўл билан қайганимда, эшигимиздан қўлида овқат кўтариб кираётган қўшимга кўзим тушди. Шуқурлар бўлсинки, Яратганининг ўзи ризқимизни етказган экан.

Жавобни эшитиб, фарзандларим оч деб, ёлворибди қарамай, бировнинг ҳақидан кўрқмасдан ўз нафсининг қурбонига айланган нобакор фарёди ичига сиймай, тўйиб-тўйиб йиғлабди.

Раъно МАҲКАМОВА

Тошкент давлат иқтисодий университети қошидаги Академик лицей томонидан 25.06.2019 йилда Алимжонов Моҳира Алимжон қизи номига берилган Л 380505 серия номерли (регистрация рақами 158) диплом йўқолини маълум қилинади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаяношмаси Республика кенгаши жамоаси тиббиёт соҳаси бўйича йирик олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академики **Турғунўлат ДАМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касабаяношмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси Кенгаш аппаратининг етакчи мутахассиси Моҳиббахон Қурбоновага онаси **Маҳбубахон ЮЛДАШЕВАН**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти жамоаси ҳамда касабаяношма қўмитаси жамият таркибидоги «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали касабаяношма қўмитаси раиси **Аразмат АВЕЗОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

...Бегали билан ўтган асрнинг 50-йилларида Қашқадарёнинг ривожланишдан анча ортада қолган қишлоқларидан биридаги мактабда бир синфда ўқиганмиш. Биз яқин дўст эдик.

У барча дарсларда фаол қатнашарди. Бирор фанни четга суриб қўймас, математика бўладими, физика ёки химиями, тарихми, адабиётми – ҳаммасини қўнғи билан ўзлаштиради. Лекин иккимиз адабиёт ва она тили фанига алоҳида меҳр қўйгандик. Бу фандан сабоқ берувчи ўқитувчимиз раҳматли Ҳалим Додхаев эса ниҳоятда қаттиққўл, билимли, ўқувчи қалбини чуқур англайдиган инсон бўлиб, машғулотларни жонли ўтишга ҳаракат қиларди. Ҳар бир мавзунини қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда чуқур тушунирар, шунингдек, дарслиқдан ташқари қандайдир янгилик айтишга ҳаракат қиларди. Таъбир жоиз бўлса, ҳаммамизни адабиётнинг сирли оламига олиб кириб, гўёки сеҳрлаб қўярди. Биз дарсдан кейин ҳам ўтилган мавзу доирасида, образлар, воқеа-ҳодисалар, кечинмалар оғушида яшардик. Машғулотдан кейин бошланадиган баҳс-мунозара, айтишув ва шеърхонликда Бегали барчамизга намуна бўларди.

Адамасам, 9-синфда ўқирдик, бир куни Ҳалим Додхаев Бегали иккаламизни дарсдан сўнги олиб қилиб, бизга иккита мавзу бўйича жиддий тайёргарлик қўриб келиш вазифасини топширди. Эртаси куни бизни имтиҳон қилиб кўргач, жавобларимиздан хурсанд бўлди. Айни чоғда, мавзунинг эътиборимиздан четда қолган жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтди. Сўнгра энди 10-синф ўқувчиларига дарс ўтишимизни маълум қилиб, бунинг учун янада пухта ҳозирлик қўришимиз ва билишимизни бойитишимиз зарурлигини ўқтирди.

Ушундан топшириққа ниҳоятда катта маъсулият билан ёндашганимиз. Чунки биз учун энг буюк адабиётшунос ҳам, энг билимли инсон ҳам муаллимимиз эди. Унинг услубида қўшимча маълумотлар билан бойитилган машғулотларимизни юқори синф ўқувчилари қизиқиш билан тинглашгани, роса савол-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлгани ҳамон эсимда. Дарс жараёнини Ҳалим Додхаев энг охириги партада ўтирганча жимгина кузатар, пировадидга уй вазифаларини белгилаб, машғулотга ўзи яқин ясарди. Бегали билан мени эса синфда олиб қилиб, йўл қўйган хатоларимизни кўрсатар, лекин дилдагини тилига чиқариб, ютуқларимизни айтмас, аксинча, бизни янада кўпроқ ўқишга ва изланишга ундарди. Фақат орадан бир йилча ўтиб, битирув кечасида кўнглида борини рўй-рост баён этди. «Мен меҳнатим самарасини ҳозирданок кўриб турибман, ўқувчиларимнинг келажаги порлоқ эканини яхши биланман, олдиндаги улкан довлардан ўтиш эса уларнинг ўзига боғлиқ», деди.

Бегалининг хотираси кучли эди. Шеър, монолог ёдлашда, ғазал ўқишда зукко қобилиятга эга эканини кўрсатарди. Халқ оғзаки ижодини, маталу достонларни, ривоятларни, тилдан тилга кўчиб юрадиган ибораларни яхши биларди.

Баъзан синфдошларимиз билан Бегалиларнинг уйига ёки каттагина ўрикзор боғига бориб дарс тайёрлар ва шеърхонлик қилардик. Унинг отаси Абулқосим бобо саводли ва мулоҳазали инсон эди. Онаси Химмат хола ҳам хокисоргина, меҳнаткаш, бир умр рўзгорим, деб яшаган ақли аёл эди. Илтимосимизга кўра, бу онахон бизга дoston ва маталлар айтиб берарди.

Бегалининг жуссаси кичик бўлишига қарамадан, жуда чаққон ва чайир эди. Мактабда ва мактаблараро ўтказиладиган волейбол мусобақаларида унинг олдига тушадигани йўқ эди. Энг кўп очко олиб берадиган бу синфдошимизни ўз жамоаларига олиш учун баъзан муррабийлар тортишиб қолардилар. Бундан ташқари, у шахматни ҳам яхши ўйнарди.

Бегалига хос яна бир муҳим фазилат ниҳоятда камтарлиги эди. У мактабимизнинг энг алоҳчи ўқувчиларидан саналса-да, ўзини оддийгина тутар, ҳаммамиз билан самимий дўст бўлишга, ёрдам сўраганларга қўлидан келганча кўмаклашишга интиларди. Кейинчалик ҳаётда катта ютуқларга эришса-да, болалик давридагидек камтар-камсукум бўлиб қолди.

Бегали 60 ёшга тўлганида фан доктори илмий даражасини олган, профессорлик унвонига эга бўлган, Унлаб шогирдлар етиштирган олим сифатида мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, зиёлилари ўрта-сида катта обрў-эътибор қозонган. Унинг юбилеини Тошкент шаҳридаги илмий марказларда ёки вилоят миқёсида кенг даврада нишон-

данини кутганимиз сабабли синфдошларимиз билан бу тадбирда яқин дўстларимиз билан биргаликда иштирок этишни режалаштириб қўйгандик. Шунга кўра, ТАВАЛЛУД САНАСИ АРАФАСИДА БЕГАЛИГА СИМ ҚОҚИБ ТАБРИКЛАДИМ ВА САМИМИЙ ТИЛАКЛАРИМИНИ БИЛДИРДИМ. У МЕНГА БИР ГУРУХ КАСБДОШ ДЎСТЛАРИ БИЛАН ВИЛОЯТГА КЕЛАЁТГАННИ АЙТДИ.



Хотира

ФАНДА қўриқ очган олим

БЕГАЛИ ҚОСИМОВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ, МИЛЛАТНИ СЕВИШИ ВА УЛУҒЛАШИ, ФАҚАТ АДОЛАТГА ИНТИЛИШИ БУГУНГИ ЁШЛАРИМИЗ УЧУН ИБРАТ ОЛСА АРЗИГУЛИК МАКТАБДИР

ланишини кутганимиз сабабли синфдошларимиз билан бу тадбирда иштирок этишни режалаштириб қўйгандик. Шунга кўра, таваллуд санаси арафасида Бегалига сим қоқиб табрикларимиз билан самимий тилакларимизни билдирдим. У менга бир гуруҳ касбдош дўстлари билан вилоятга келаётганини айтди.

Эртаси куни Қаршида меҳмонларни кутиб олди. Сўнгра Касби туманидаги Денов қишлоғига жўнадик. У ердаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлди. Тошкентдан ташриф буюрган олимлар, ижодкорлар, қишлоқдошлари ва дўст-биродарлари Бегали Қосимовнинг ҳаёт йўли, инсоний фазилатлари, мамлакатимиз илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритишди. Тадбир ниҳоятда самимий руҳда ўтди.

Индинига меҳмонлар шу тумандаги Султон Мирҳайдар қадамжосини ва бошқа муқаддас масканларни зиёрат қилиб, пойтахтга қайтиб кетишди. Бегали қишлоқдошлари – самимий, соддадил, тўғрисиқ инсонлар даврасида ўтган учрашувдан ниҳоятда хурсанд бўлди.

Тамагирилик, кўрсатган ёрдами миннат қилиш каби иллатлар Бегалининг характерида бутунлай ёт эди. У олдига ноҳўя илтимос билан келганларни ёқтирмас, ҳар бир масалага адолат кўзи билан қарашга интиларди. Мен буни яхши билганим туфайли «Бегали сизнинг яқин дўстингиз, гапингизни рад этмайди, айтинг, фарзандим ўқишга киришига ёки имтиҳондан ўтишига ёрдамлашин», деганларга ҳаммиса унинг феъл-атворини, ўта принципалилиги ва қаттиққўллигини тушуниришга интилганман. Ўзим ҳам унинг олдига бирор марта илтимос билан бормаганим. Лекин гоҳида ўзинг истамаган ҳолда ноҳолис хизмат қилишга, бировнинг кўнглига озор етказмаслик ёки муҳтож инсонга кўмак бериш учун илтимос кўчасига киришга ҳам тўғри келар экан.

Дарвоқе, анча йиллар бурун яқин танишимнинг тобора чўзилиб кетаятган илмий иши ҳимосига юзасидан Тошкентдаги обрўли олимлардан бирининг хузурига бордим. Домла хўраматини жойига қўйиб кутиб олгач, биродарим анча пайтдан буён қўйналиб юргани учун ёрдам беришини сўрадим. Домла бироз ўйлаб тургач, «Бу масалага фақатгина ҳамор-тингиз Бегали Қосимов ёрдам бера олади», дея вазиятни тушунирди. Дўстимнинг табиатини яхши билганим учун ўзим истар-истамас унинг уйига йўл олдим. Анча йиллардан бери кўришмаганимиз, асосан телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашиб турганимиз сабабли узоқ вақт дилдан сўхбатлашдик. Сўнг у нима юмуш билан келганини сўради. Мен дангалига ўтиб, имкони бўлса, қийналиб юрган бўлажак олимга ёрдам бериш лозимлигини айтдим.

У одати бўйича гапларимни жимгина эшитди, кейин столи ғаладонларини титкилаб, нималарнидир қидирган бўлди. Мен унинг ўйчан ҳолатда мулоҳаза қилаётганини сезиб турардим. Охирида менга юзлан, «Биламан, менинг олдимида келишимиз осон бўлмаган. Лекин муаммоним ижобий ҳал этишини битта тўғри йўли бор, у ҳам бўлса, диссертацияни қайтадан ёзиш», деди-да, бўлажак олим уч кундан сўнг ўзи билан учрашиши лозимлигини тайинлади. Мен бироз ранжигандек бўлиб, ортимга қайтдим.

Кейин эшитишимча, Бегали ёш олимнинг илмий ишини кўриб чиқиб, камчиликларини кўрсатибди. Муаллиф уларни тузатибди ва диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилибди. Мен бу ўринда ҳам дўстим тўғри йўл тутганини, ўзим ундан ноўрин ранжиганимни тан олдим.

Ҳа, Бегали Қосимов ана шундай ажойиб инсон эди. У ҳеч қачон виждонига қарши иш қилмас, қийинчиликлардан чўчимасди. Энг муҳими, у илмнинг ниҳоятда машаққатли йўлини катта матонат билан

босиб ўтди. Адабиётимизда, ўзбек фанида улкан кашфиётлар қилди. Мен унинг илмий тадқиқотларини таҳлил қила оладиган олим эмасман. Лекин болалиқдан қадрдон дўст сифатида бутун ижодини кузатиб борганман, ютуқларидан ҳаммиса қувонганман.

Қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, Бегали «фанда қўриқ очди». Унинг илм йўлидаги жасорати, ватанпарварлиги, истеъдоди кўпчиликни лол қолдирди. Қалтис сиёсий жараёнлар ҳукм сураётган бир пайтда қатагонга учраган жадид боболаримизнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш учун ўзида журъат ва куч-қувват топа олди. Эҳтимол, унинг бу мураккаб ишга дадил киришишига мактабда адабиёт фани бўйича ўқитувчимиз томонидан берилган чуқур таълим ҳам сабаб бўлгандир. Чунки биз илк бор Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадид боболаримиз ҳақида устозимиз Ҳалим Додхаевдан эшитганмиз.

Бугун ўтган аср бошларида халқни ўзлигини англашга, илм йўлида бирлашишга, маънавий юксалишга даъват этган жадид боболаримиз ҳаёти, маънавий мероси ўрганилиб, хотиралари эъзозланмоқда, ҳали-ҳануз эскирмаган ўғитлари бизни хайрли ишларга чорламоқда. Шу ўринда инкор этиб бўлмас бир ҳақиқатни ҳам айтиб ўтай, Қарши давлат университети профессори, сенатор Абдурахим Эркаев таъкидлаганидек, «Жадидлар ижоди бугунги миллий ғоямизнинг энг яқин ва энг теран томчиларидан биридир. Жадидлар ҳаёти, амалий ва адабий фазолияти халқимизга ўзлигини англашга, миллий ғояни чуқурроқ идрок этиб, қалбига, онги ва шурига жо қилишида завол билмас манба, ҳаётбахш булоқдир. Бу булоқнинг кўзини очиб, обихаётни халқига улашларнинг биринчиси Бегали Қосимовдир».

Бултур Президентимизнинг эътибори туфайли жадид боболаримиздан Абдулла Авлоний, Маҳмудўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг жадид боболаримизга кўрсатган бу эҳтирми, уларнинг халқимиз, миллатимиз олдидagi тарихий хизматлари эътироф этилаётгани, миллатни деган таъқи ланъат ёпиштирилган пок номлари улуғланаётгани бутун онгли ҳаётини, соғлигини жадид адабиётини ўрганишга бахшида этган буюк олим Бегали Қосимовнинг ушлаган армонларидир.

Бегали орамаздан кетганига ҳам 10 йилдан ошди. Бу дунёни тарк этгач, дастлабки йилларда у ҳақида маъбуотда қатор мақолалар чоп этилди, оммага етказилмай қолган илмий ишлари эълон қилинди. Кейинги пайтда эса, Бегалининг шахси ва ижоди хусусида сукут сақланаётгандек туюлади менга. Ҳолбуки, у адабий меросини жуда катта меҳнат ва машаққат билан арабча имлодан ўзбек кирилл имлосига ўгириб, халқимизга қайтариб берган эди. У умрини бахшида этган мавзу – жадид боболаримизнинг ибратли ҳаёти, ватанпарварлиги, миллатпарварлиги зиёлиларимиз, қалам аҳли учун ҳамон муҳим мавзу бўлиб қоляпти.

Шу ўринда бир таклиф: олимнинг шогирдлари ва ишлаган илм даргоҳи томонидан Бегали Қосимовнинг номзоди давлат мукофотларига таъсис этилса, номини абадийлаштириш юзасидан тегишли идораларга таклиф киритилса, меънаткаш, жуда адолатли иш бўлар эди. Зеро, Ватан ва миллат манфаати учун хизмат қилган инсонлар авлодлар ардоғига, эъзозига муносибдир. Юксак истеъдод соҳиб, бутун турк дунёси тан олган олим Бегали Қосимов ҳам халқимизнинг ана шундай хурмат-эъзозига лойиқ фарзандларидан бири эди.

Биз ҳозир ҳам давраларда Бегалини тез-тез эслаймиз. Чунки у ҳаммиса эслашга, эъзозлашга, ардоқлашга муносиб инсон эди. Мен ҳаётда ўзини-ўзи муносиб из қолдирган, забардаст олим сифатида ўзбек фани, адабиёти тарихига номини муҳрлаб кетган Бегали Қосимовдек дўстим бўлганидан ҳаммиса фахрланаман.

Қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, Бегали «фанда қўриқ очди». Унинг илм йўлидаги жасорати, ватанпарварлиги, истеъдоди кўпчиликни лол қолдирди. Қалтис сиёсий жараёнлар ҳукм сураётган бир пайтда қатагонга учраган жадид боболаримизнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг бош маънавий меросини ўрганиш учун ўзида журъат ва куч-қувват топа олди. Эҳтимол, унинг бу мураккаб ишга дадил киришишига мактабда адабиёт фани бўйича ўқитувчимиз томонидан берилган чуқур таълим ҳам сабаб бўлгандир. Чунки биз илк бор Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадид боболаримиз ҳақида устозимиз Ҳалим Додхаевдан эшитганмиз.

ВЕРГУЛНИНГ

ёхуд бизга бу тиниш белгиси қандай кириб келган?

Кичкинага «вергул» нафақат ёзувни тўғри ўқиш ва ёзишда, балки яқин тарихимизни тўғри таҳлил этишда ҳам бизга ёрдам бериши мумкин. Ҳўш, қандай қилиб?

Хозирда аксарият тиллар грамматикаси асосида қадимги лотин грамматикаси ётади. Шу боис тилшуносликка оид атамалар асосан лотинча ёки юнонча. Замонавий ўзбек грамматикаси ҳам ана шу улкан дарахнинг бир шохчаси дейиш мумкин. Айтилик, унда илгари мавжуд бўлган араб сарфу наҳви асосидаги тил қоидалари нисбатан кучсиз акс этган.

ВАЗИФАСИ

Лотин грамматикасига хос қоидалардан бири – тиниш белгилари. Дарвоқе, баъзи атамалар тилимизга муваффақиятли ўғирилган, масалан: тиниш белгилари, қўшимча, келишик, тўлдирувчи... Баъзи атамалар эса Кошғарий замонида ҳам мавжуд эди: феъл, от (исм), сифат...

Ўтган аср бошларида лотин грамматикаси асосидаги рус грамматикаси биз учун ҳам улги бўлиб хизмат қилгани сир эмас. Айтилик, келишик (падеж), тўлдирувчи (дополнение), аниқловчи (определение) каби атамалар айнан русчадан нусха кўчириш орқали ясалган. Аммо «вергул» негизини русча («запятая») эмас, французча («virgule»).

Аксарият оврўпо тилларида «вергул» ўрнида хозирда асли юнонча – «comma» («coma», «komma», «koma») қўлланилади, лотинча («virgula») «вергул» эса фақат француз ва бошқа баъзи оврўпа тилларида сақланган. Ҳўш, қандай қилиб тилимизга олис французчадан «вергул» ўтиб қолди?

Хозирда турк, ўзбек, озарбайжон, туркман, форс ва тожик тилларида «вергул» ишлатилади. Бу ҳам бежиз эмас, ўтмишда мазкур тиллар қўлланадиган ҳудудда икки тилли ягона маданий муҳит мавжуд эди, десак хато бўлмайди. Аммо «вергул» бу ҳудудга тўғридан-тўғри эмас, усмонли туркчаси орқали кириб келган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида турк зиёлилари ўртасидаги Оврупо, жумладан, француз маданияти ва адабиётига қизиқиш, француз тили мактабларнинг очилиши, турк тилини арабий ва форсий сўзлардан тозалаш ҳаракатлари натижасида турк тилига кўплаб французча сўзлар кириб кела бошлаган. Али Чичек турк тилига оврупа тилларидан энг кўп ўзлашган сўзлар – бу французча сўзлар эканини ёзади.

XIX аср охири – XX аср бошида Туркистонда ҳам маърифатчилик, Фарб маданиятига интилиш кайфияти пайдо бўла бошлади. Шунинг маъсули ўлароқ, XX аср бошида жадидлар ҳаракати майдонга келди. Исмоил Фаспирали асос солган

жадидлар ҳаракати Истамбул билан ҳам қизғин муносабатда эди. Қадимчиларга мухолиф бўлган жадидлар кўпгина инқилобий ўзгаришлар, шу жумладан, алифбо, тилини ҳам ислоҳ этиш тарафдори эдилар. Французча «вергул» ҳам тилимизга ўша даврда жадидлар, уларнинг нашрлари орқали кириб келди. Бу эса тил қоидалари, грамматикага оид ислохотлар ҳам жадидлар томонидан бошлангани, аммо тугалланмагани, яъни бу ишга «нуқта» эмас, «вергул» қўйилгани ва кейинги даврда ҳам давом эттирилганидан дарак беради.

Эсон РАЖАБОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси, «Эл-юрт хўрмати» ордени соҳиб



Абдувоҳид ҲАЙИТ, филология фанлари номзоди

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А.Абдурахмонов

Мусаҳҳиҳлар:
Д. Худойберганава,
У. Худойберганава

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:35**
Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Буюртма **Г-206**
34378 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиққди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят қисбракчиси:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «iproteka bank»
Яшилбод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130